

● **Фалсафий гурунг**

МИЛЛИЙ МАНФААТНИ АНГЛАШ

Шахнинг миллий ўзлигини англашидаги муҳим унсурларидан бири миллатнинг эҳтиёжлари ва манфаатларини англаш, унинг ривожланиш йўллари билан бўлиб, у миллий бирликни ва бошқа этносларнинг мавжудлигини, миллатнинг инсоният тарихий тараққиётидаги ўрни билан бўлиб олиш ҳамда миллий қадриятларга содиқлик туйғуси шакллана бориши жараёнида вуқудга келади. Агар, умуман, манфаатни ижтимоий муносабатларнинг мавжудлиги ва намоён бўлиши шакли (воситаси) сифатида баҳолайдиган бўлсак, миллий манфаатни қуйидаги таърифлаш мумкин: миллий манфаат — бу муайян халқнинг ўз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий эҳтиёжларини қондиришга интилиши шакли(воситаси) дир. Шу боис манфаатлар муайян миллий вакилларнинг қўлида қўллаб қувватлайдиган талаб ва эҳтиёжлар йиғиндисидан иборат бўлса, мазкур миллатни ҳаракатлантирувчи кучга айланади.

Бир халқнинг миллий манфаатлари тарихий-сиёсий давр, унинг турмуш даражаси ва ҳукумат сиёсатида кўра турлича бўлиши мумкин. Масалан, у ёки бу халқнинг мустақиллаш шариоитидаги миллий манфаати билан озодликка эришган чоғдаги миллий манфаати айнан ўхшамайди, яъни мазмун-моҳият жиҳатидан бир хил бўлмайди. Бунга тарихдан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Айтайлик, Туркiston халқларининг араб ва мўғул иттилоқчиларига қарши кураши даври билан Амир Темур давридаги миллий манфаатларида кескин ўзгаришлар мавжуд. Агар биринчи даврда босқинчилар зулмин бартараф этиш, Ватан озодлиги ва мустақиллигини таъминлаш бутун халқнинг

миллий манфаатига айланган бўлса, иккинчи даврда йирик ва мустақил тараққий топган давлатни барпо қилиш барча туркистонликларнинг азму қарори, яъни маънавий қудрати сифатида шаклланди.

Миллий манфаатнинг халқ турмуш даражаси билан боғлиқлигини исботловчи ҳолатни ҳам қўриб чиқайлик. Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан Ўзбекистонимиз соёбик Совет Иттифоқи таркибиде бўлган йилларда ҳам ашё омборига айланди. Натижада ривожланган мамлакатлар қаторида турмуш имконига эга бўлган Ўзбекистон ёқили, асбоб-ускуналар ва технологиянинг асоси, балки ҳаётини муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини, халқ истеъмоли молларини четдан келтиришга мажбур бўлди. Республиканинг табиий ресурсларига, экологик муҳитига жуда катта ва кўп жиҳатдан ўрнини тўлдириб бўлмайдиган даражада зарар етказилди. Шулар ва энг муҳим, миллий даромаднинг асосий манбаи ҳисобланувчи пировавр маҳсулот бошқа минтақаларда ишлаб чиқарилиши оқибатида халқимизнинг турмуш даражаси Болтиқбўйи, Белорус, Украинадан кескин ортда қолди.

Табиийки, бу номуносиблик турмуш оёқ-қўли боғлиқликдан кутулиш учун Марказий Осиёдаги ҳамма республикаларга, жумладан Ўзбекистонга аввало давлат мустақиллигига, ўз манфаатларига жавоб берувчи сиёсатни мустақил равишда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳуқуқи зарур эди. Эндиликда булар реалликка айланди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ифтихор билан ёзганидек, «...асрлар мобайнида амалга оширилмаган кўп нарсаларга эришишга муваффақ бўлдик. Ўзбекистон халқи жонажон ўлкадаги бекиёс бойлиқнинг абадул-абад ҳақи-

қий эгаси бўлиб қолди».

Илгарилари бу ҳақда фикр юритилгудек бўлса, миллий манфаатларни соёбик Бутунитифок, тўғривоғи, якка ҳоким Марказ манфаатларидан устун қўйиш деб баҳоланарди. Бу манфаатлар миллий манфаатларга қараганда кенг ва чуқурроқ деб тағриб қилинард.

Яхшиямки, кейинги йилларда аксарий муаллифлар Исмоил Гаспирали, Махмуд-хўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Ҷўлпон, Абдулла Қодирий, Алихон Тўра Соғуний сингариларнинг нуктаи назарларига қайтилар. Тажриба кўрсатганидек, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт даражаси турлича бўлган миллатлар ва элатларни сотсиализм шариоитида бараварлаштириш жуда қийин ва имкони йўқ иш экан.

Бунинг маъноси шуки, ҳар қандай кўп миллатли давлатда миллий манфаатлар шунчаки бутуннинг қисмларини эмас, балки умумбаشارий манфаатларнинг мазмунини ташкил этувчидир. Бунинг тан олмаслик умуман миллий манфаатларни тан олмасликнинг, яъни «буюк миллат» шовинизмининг ўзганадидир.

Хуллас, миллатлар этник бирлик сифатида маълум усусларига кўра бир-бириндан фарқлиб турар экан, Ер юзи ва минтақаларнинг табиий-жуғрофий шариоитларида тафовутлар мавжуд бўлар экан, миллий манфаатлар сакланиб қолади. Миллий ўзликнинг қўчайгани ва мустақамлангани сари уни ифода-лаш ҳамда рўёбга чиқариш воситалари доираси ҳам кенгайиб боради. Бир сўз билан айтганда, миллий манфаатни англаш, мустақиллиқни мустақамлашнинг муҳим омилidir.

Жўракул БАХРОНОВ,
фалсафа фанлари
номзоди

Бу дунё — кенг дунё,
Дилда меҳр, рўё,
хаёл парвозда,
Гоҳ Осиёда,
Гоҳ Оврупо,
Гоҳ Африёсида,
Гоҳи Укёнус
Ортида сизлар
Яшарсиз алхусус.
Лекин гоҳида
Пинхон дилингизга,
Йўл олур нидо,
У киндик қонингиз
Тўқилган диврандан,
Она қориндан
Ерга тушганда,
Қўлингизга
азон ўқилган
Фасли баҳордан
Нурли заминдан у,
Она эл қадимдан у,

● **НАЗАРМАТ**

ДИЛИНГИЗ СЕЗИБ ТУРАДИ

(Хориждаги ватандошларга)

Сизни қафтида тутган,
Мана шу азим
Қуррай заминда,
Она юртингиз бор,
Ота юртингиз бор,
Сизни кўриб туради,
У рўқдир,
У қонингизда,
Имонингизда,
У ҳар қадамда,
Яшар ҳолис оламда,
Нурли заминдан у,
У — она-ер,
Муқаддас мангу,

Инсон яшар дунёда,
Дил нур берган зиеда,
У ҳаёт қонуни азал,
Ватандош, унутма
Уни ҳеч маҳал,
Ватан тортса рўқингни,
Келсанг она юртингга,
Зиебрат этсанг,
Шўқур қилиб ўша қўнға етганга,
Тиз қўйиб,
Муқаддас тупроқни ўпиб,
Она-ер бағридан,
Забаржад қоялар қаъридан,
Сенга интилган,

Элинг бўлогидан сув ичсанг,
Зиллол қўзларига боқиб,
Қасамед эт,
Тиниқ мавҳларининг
Шифобахш авжларининг,
Оналиқ, ўзлик меҳрини
Муқаддас билиб,
Уни доимо ёд эт,
Элинг фарзандларининг,
Мард фидойиларининг
Рўқларини шод эт,
Этиқод буюк нарсаси,
Содқот аҳли қайда бўлмасин,
Аллоҳ ато этган ерин,
Ризқ-рўзин бенасиб этмас.
Дунё беш қўнлик эмас,
Оқизу тушқўнлик эмас,
Азиз бу қўнча дунё
Машаққатли дунё
Иймонни борларга
Шафқатли дунё,

Жангларда тўқиб қон,
Эл бахти-учун бердик қўп қур-
бон.
Улар рўқи яшар ватанда,
Ватанин севган ҳар танда,
Насиб бўлди бизга
Буюк эрқу истиклол,
Мангу буюк иқбол,
Дунё — бурчли дунё.
Шу бурчли дунёни ўйласангиз,
дилингиз қиради сўзга:
«Кимлар бўлгуси,
Ватандош сизга»,
Чўнқи мана шу азим
Қуррай заминда,
Она юртингиз бор,
Ота юртингиз бор.
Унинг нафасини
Дилингиз сезиб туради,
Эсан сарин еллар билан
рўқ бўлиб,
Сизда кезиб юради.

БИР КУНДА 13 ТА ТҮЙ

Республикаимиз фуқаролари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ҳодими, Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигининг илғор бригада бошлиғи Усмонали ҳожи Қурбонов ташаббусини «Миллий тикланиш»нинг март ойи сонларида ўқишган эди. У 30 йилдан бери Андижон районидаги эмаас, балки республика микёсида сабзавотдан мўл ҳосил олиб, яхши натижаларни кўлга киритмоқда.

Илгари газетамизда хабар қилинганидек, Усмонали ҳожи маълум иқтисодий аҳвол туфайли фарзандларига катта тўй қилишни кечиктириб келаятган оилаларни ҳисобга олиб юрар ва тўйни дала шийпониде ўтказишни кўзларди. Яқинда унинг ўйлари амалга ошди. Дастлаб-ки 7 нафар тўй қилинадиган норасидалар 11 нафарга, тўй кундан икки кун илгари 13 нафарга етди.

Бригада дала шийпони тўй учун хўп безатилди. 13 та гиламга тўйболаларнинг исмлари ёзилиб, илиб қўйилди. Ота-оналар тўрга ўтказилиб, эл-юртта ош тортилди. Андижон район ҳоқими Х. Н. Ҳақимов, вилоят фахрийлар кенгаши, раиси Т. Каримова, Қишлоқ фуқаролар кенгаши раислари номидан И. Қўшоқов бу ахойиб тўйни қизгин қутлашди.

Хатнага ётқизилдиган болаларнинг ҳар бирига исми шарифлари ёзилган гилам ва 10 йилга мўлжалланган, ҳар бирига 500 сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчалари топширилди. Холдорбой Ақбаров, Хуршид-бек Холиқов, Алимардон Ашуров, Каримжон Холиқов, Муҳаммаджон Пирназаров каби ота-оналар Усмонали ҳожи ва унинг бригадасини дуо қилди.

Орадан йиллар ўтиб, бугун ўз тўйларида яйраб-яшнаган болалар улғаядилар. Омонат дафтарчаларидаги 500 сўмдан қўйилган пул бир неча юз минг бўлади. Хайрли ишнинг баракаси шундай.

Ваҳобжон ДАДАБОВ



Бола дунёни тебратар...

● **БОБУР**

БОҒИДА

АНЖУМАН

Андижон вилоятидаги Захириддин Бобур номидаги халқаро жамғарма соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан ташкил этилган илмий экспедициянинг дастлабки якунига бағишланган катта анжуман ўтказди. Анжуман улғуз зотининг зурриёти Бобурнинг ҳаёти ва ижодида бағишланди. У Бобур миллий истироҳат боғи (Боғи Бобур)да ўтди.

Анжуманга олимлар, шоирлар, қишлоқ зиёилари, урта ва олий ўқув юр்தларининг талабалари, ҳокимликларнинг раҳбарлари йиғилдилар. Унда «Темур ва темурийлар ҳақида сўз» мавзўида «Амир Темур ва Захириддин Бобур изидан» халқаро илмий экспедиция катнашчиларининг маърузалари ва сафар таассуротлари тингланди.

Халқаро экспедиция раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими, олим Зокиржон Машрабовнинг янги маълумотлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, экспедиция аъзолари Сайфиддин Жалилов, Захириддин Султонов сафар таассуротларини сўзлаб беришди.

Илмий анжуманда Ўзбекистон Олий Мажлиси депутаты, ёзувчи Пириқул Қодиоров, Беруний номидаги республика давлат мукофоти совриндори, профессор Наим Каримов, филология фанлари доктори Беғали Қосимов катнашиб, аждодлар мероси ҳақида сўз айтидилар.

Андижондаги шоирлар Тўлан Низоми, Ханфира Солиқова, Фарид Усмонов, Исмоил Тўлақов, Фатхиддин Исҳоқов, Ҳалима Қорабоева, Усмоножон Шукров, Фозилжон Иминов, Ҳалим Каримлар иштирокидаги мушоира йиғилганларга манзур бўлди. Анжуман катнашчилари Амир Темур ва Захириддин Бобур тўғрисидаги чет элларда чоп этилган китоблар билан танишдилар. Бобур тўғриван жойдаги музей, қабридан келтирилган ҳок ва рамзий масжидни зиебрат қилдилар.

Кечада вилоят ҳоқимининг ўринбосари Назаржон Саидов катнашди ва вилоят ҳоқими Қ. Ф. Обидовнинг табригини ўқиб эшиттирди. Андижон шаҳар ва район бадий ҳаваскорлари ижросидаги концерт дастури, «Бобур изидан» номли ҳужжатли филм намойиш қилинди.

В. ДАДАБОВ

ТЕННИС БАЙРАМИ

Кеча пойтахтимизнинг «Динамо» теннис стадионида «Хавас» теннис турнири бошланди. Мусобақанинг ўзига хос томони шундаки, бу турнирда Республика Олий Мажлиси раиси, Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, вилоят ва туман ҳоқимлари ва уларнинг ўринбосарлари иштирок этишмоқда. Улар икки гуруҳга бўлиниб, мусобақалашмоқдалар.

— Бу республикаимиз учун катта байрам, — деди

ди Ўзбекистон теннис федерацияси раиси, Соғлиқни сақлаш вазирини, академик Шавкат Каримов турнирга бағишлаб ўтказилган матбуот конференциясида. — Бундай мусобақани ўтказиш Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан туғилди. Турнирнинг мақсад ва моҳияти раҳбар ҳодимларда спортга, соғлом турмуш тарзига муносабат уйғотиш, шунингдек, уларни мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига бу борада ўрнат қўйишга ундашдан

иборатдир.

«Хавас» турнирининг финал қисми 8 май кун «Юносбод» теннис стадионида бўлиб ўтади. Ғолибларни турли қимматбаҳо совғалар кутмоқда. Бош соврин эса ғолибнинг исми-шарифи ёзилган ҳолда республикаимизда ташкил этиладиган Олимпиада музейида сакланари. Ғолибга унинг жажжигина нусхаси топширилади.

«Хавас» турнири аънавий бўлиб, кейинги йилларда ҳам ўтказиш мўлжалланмоқда.



XV ФАСЛ

1. Вэй ўлкасининг хони Лин-гун Конфуцийдан лашкарни қай тартибда жойлаштириш ҳақида сўради. Устоз шундай деб жавоб қилди:

— Қурбонликка керак бўладиган ашё-асбоблар қандай бўлишини эшитганман. Ҳарбий ишлар билан эса ҳеч шуғулланмаганман.

Шундай деб эртасигаёқ бу ўлкадан жўнаб кетди.

2. Чэн деган ўлкада юрган кезлари Конфутсийнинг озиқ-овқатлари тугаб қолди. Йўлдошлари очликдан чўзилишиб ётдилар, ҳеч ким ўрнидан туролмади. Сўзлу Устозни кўриб алам билан деди:

— Бундан қикди, муносиб эрнинг бошига ҳам абгорлик тушар экан-да?

— Муносиб эр, — деди Устоз, — кулфатларни ирода билан енгиб ўтади. Майда одам эса, бошига кулфат тушса, дарров буқилиб қолади.

3. Устоз айтди:

— Ҳой, Си, сен мени кучли олим, шунинг учун ҳамма нарсани билади деб ҳисоблайсанми?

— Балли, — деб жавоб берди у. — Нима, шундай эмасми?

— Йўқ, — деди Устоз. — Мен ҳамма нарсани якка-ягона бир фикрга териб, боғлаб чиқаман.

8. Устоз айтди:

— Гаплашишга арзийдиган киши билан гаплашмаслик, демак, бир одамдан айрилиш билан баробар. Гаплашишга арзиймайдиган киши билан гаплашиб ўтириш — сўзларни ҳавога сарф этиш билан баробар. Ҳақим одамларни йўқотмайди ва сўзларни ҳам йўқотмайди.

● **Жўракул**

ҲУҚУҚАМАЛАР

Конфуций айтган экан...

XIV ФАСЛ

23. Устоз айтди:

— Муносиб эр олиймаком нарсалардан хабардор бўлади. Майда одам паст ва жўн нарсаларни яхши билади.

24. Устоз айтди:

— Қадимларда одамлар ўзлари учун ўқиб-ўрганардилар, эндиликда эса бошқаларга мақтаниш учун ўқийдилар.

27. Устоз айтди:

— Муносиб эр ўзининг ишлари сўзларидан орқада қолаётган бўлса, бундан хижолат чекади.

30. Устоз айтди:

— Одамлар мени билмасалар, хафа бўлмайман, — иктидорим кам эканлигидан ранжийман.

34. Кимдир сўради:

— Ёмонликка яхшилиқ билан жавоб қайтарса бўладими?

— Унда яхшилиқка нима деб жавоб қайтарасиз? — ўз навбатида сўради Устоз. — Ёмонликка адолат билан жавоб қайтармоқ керак, яхшилиқка эса яхшилиқ билан.

● **«МТ»: воқеалар, хабарлар**

УИМБЛОН

АНДИЖОНГА КЎЧИБ

КЕЛДИ

Шу пайтга довр ҳақон микёсида теннис бўйича энг зўр мусобақалар фақат Оврупода бўлади деб қорардик. Аммо ўтган ҳафта Андижонда ўтказилган халқаро «Челенжер» турнири Ўзбекистон бу соҳада дунё карвонбошилари сафига кирганини кўрсатди.

Турнирда дунёнинг беш қитъасидаги 24 мамлакатдан олтишга яқин танкили теннисчилар иштирок этишди. Манаман деган мутахассислар Андижоннинг муҳташам теннис ҳонасини ҳамма стандарти талаблари даражасида, «аъло» деб баҳолашди.

Андижон бош қортида Франция, ЖАР, Аргентина, Мексика, Бразилия, Исроил, Япония, Нигерия, Канада, Финляндия, Россия...дан келган спортчилар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Ғолиблик ЖАР вакили Стеффордга насиб этди. Ҳамюртимиз Тошоевнинг қўли тўртликдан жой олди.

Катта теннис Ўзбекистонга кириб келди. Президент соврини уйинларидан сўнг Фарғона тури. Мана энди Андижон...

Ким билади, ишқибозлар сафиде хаяжонланиб ўтирган болақайлар сафидан эрта-индин ўз теннис юлдузларини етишиб чиқар...

Г. МУРОДЛИЕВА

МЕЗОН ЎЗГАРДИ

Бугунга келиб киноэкранларимизни АКШнинг жангадио Хиндистоннинг чўмчал кинолари босиб кетди. Айтишларича, уларнинг биринчисига томошабин қўп кираркан, иккинчиси эса жуда арзон туваркан. Кўриб турибсиз, иккала ҳолатда ҳам гап бадият, кино савияси ҳақида кетмайти. Балки бозор шариоитида кинонинг асосий мезони унинг фойда келтирилганга бўлиб қолар?

Яхшиямки, бундай эмас экан. Бозор ўз йўлига, аммо санъатни тўлиқ тижоратлаштириш не ҳо-жат? Унда «Тоҳир-Зухро»ни ким суратга олади, «Алишер Навоийни»-чи?..

Демак, кино санъатига давлат қўмағи зарур экан-да.

Кўни кеча матбуотда эълон қилинган Республика Президентининг «Ўзбекино» давлат-аксионерлик компаниясини тузиш тўғрисидаги» Фармони мана шу жиҳатдан катта эътиборга молик. Компания, Фармонга кўра, Ўзбек миллий кино санъатининг энг яхши ютуқларини саклаб қолиш, қўлайтириш, ҳақон кино санъатининг энг яхши ютуқларини тар-

ТАЛАБАЛАР УЧУН КОМПЬЮТЕР

Эндики мустақил ривожланиш йўлига ўтган Ўзбекистон учун замонавий компьютерлар, малякали мутахассислар жуда зарур. Бу соҳада республика ўқув даргоҳларида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Германия билан тузилган шартномага асосан, Тошкент Давлат Университети 150 минг долларлик компьютерлар ажратилди. ДХ-4-100 типидеги бу энг замонавий компьютерлар секунди-

га 100 минглаб мураккаб масалаларни бемалол бажара олиш қувватига эга. Ҳозир ТошДуни-инг математика факультети қошида 4 та замонавий компьютер синфи ташкил этилди. Бу синфларда талабалар компьютерни ишлатишни ўрганишлари ва фойдаланишлари учун барча шариоитлар яратилган.

— Ўқув юртимизда «шахсий компьютерлар синфи» деб ата-ладиган IBM-PC туридаги компютерлар ҳонаси очилган, — дейди ТошДу хисоблаш марка-

зи бошлиғи Абдуманнон Абдуқодиоров. — Бизда компютерлар билан ишлай оладиган мутахассислар ҳам етарли. Авваллари ҳисоб-китоб ишларида ва ўқув жараёнида ЕС системаси қўл-ланарди. IBM компютерлари ис-теъмолга кириб келгандан сўнг бу системага эҳтиёж камайди. Барча ишлар ҳозир IBM компютерлар ёрдамида бажарилмоқда.

Дорулфунунинг қолган факультетларида ҳам компютерлар синфи очилди ишлари олиб боририлмоқда. Яқинда очилган хал-

қаро журналистика бўлимига ҳам 10 тўплам /комплект/ замонавий компютерлар ажратиш мўлжалланган. Келажакда дорулфунун қошида маҳаллий компютерлар тармоғини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бу эса мутахассис ва талабаларга Ўзбекистондан туриб, АКШ, Англия, Германиядаги ўқув даргоҳлари ва кутубхоналаридан керакли маълумотларни олиш имкони-ни беради.

Одилжон ЭРҒАШЕВ,
ТошДу халқаро журна-
листика бўлими талабаси

ОДАМ - ҲАР ЕРДА ОДАМ

Олтиминчи йиллар. Германиянинг Потсдам шаҳри. Оврупонинг марказидаги бу шаҳар қадимий меъморчилиги ва ажойиб боғи — Сан-Суси билан жаҳонга машҳур. Германия қироли Вилгелм II қурдирган сарой боғнинг ҳуснига-хусн қўшиб турибди. Бу саройи жаҳонда кўп тарихий воқеаларнинг шохиди бўлган.

Иккинчи жаҳон уруши таъминот бўлганини дунёга билдирган Потсдам шартномаси ҳам шу боғда, Гитлернинг қорқиб саройида имзоланган. СССР, Англия ва Франция давлатларининг раҳбарлари қўришган саройи энди музей. Потсдамга келиб турган чет эллик савҳатчилар боғни сайр этганда, уруш вақтида Германия тупроғида ҳалок бўлган жангчилар қабристонини ҳам зиёрат қилишди. Боғдан унча узоқ бўлмаган бу қабристонга инсониятни фашизм асоратидан қутқариш учун жонларини фидо этган минглаб шаҳидлар дафн этилган.

Биз, ҳам баъзи-баъзида қабристонда бўлар, шаҳидларга қўйилган ёзувларни ўқисиниб ўқиб, кўпчилиги бизга тенгдош, ҳаётларини фашизм устидан галабага тиккан ўғлонларнинг қабрлари олдида бош эгрядик.

1965 йили 9 майда, Фалаба кунда, биз турли миллат вакиллари шаҳидлар ёдгорлигига гулчамбар қўйгач, қабрлар оралаб юрдик. Тошкентлик дўстим Омон бир қабрида тўхтаб, маъносаси чиқарди:

— Қаранг, қандай ёш ҳалок бўлибди. Ёруш дунёга келиб фақат йигирма йил умр кўрибди.

Мен қабр бошидаги ёзувини ўқидим: «Лейтенант Ёкуб Халилов. Симферополь — Потсдам. 1925—1945».

Ушандан бери ўттиз йил ўтди, лекин навқирон зобитнинг исми ҳамон ёдимдан кўтирилмайди.

Хизматдан Тошкентга кайтдим. Ёшларнинг Кўкча дарвозасида касал онам билан ёлғиз бир кампирнинг ҳовлисида турдим. Кампир ёлғиз яшар, биттагина ўғли урушдан қайтмаган эди. Онам билан кампир тез апок-чапоқ бўлиб кетишди. Мени ўз боласиди суяра, баъзида оркамдан қараб қўришганини сезардим. Урушдан қайтмаган ўғлини эсласан керак, кўзига тез-тез ёш оларди.

Бир кун дастурхон атрофида ўқиб юртда шахид кетган йигитнинг қабрини кўрганимни айтдим. Кампирнинг ранги ўзгарди, менга галати тикилиб, кўрпачага ёнбошлаб қолди. Онам унга пиелада сув тутди. Кампир сув ҳўлпачага, кўзини очиб, менга қаради.

— Ўғлимнинг қабри қайси бегона юртларда экан? Бу ёруш дунёда она қайғусига даво бориқини? Ҳеч қимнинг бошига бундай мусибат тушмасин. Не-не оқиб қўнларни бошдан кечирмадик. Қандай мушкул воқеаларнинг гувоҳи бўлмадик! Хаста онамга қарасам, юрагим эзилди, бир воқеа эсимга тушди...

Уруш хабари Тошкентга етиб келиши билан кўчалар

хотин-халаж, қари-қартанг, болалар билан тўлди. Тўқимачилик комбинатида ишлайдиган боласиз ақбир, чаккон аёл қўшимиз бўларди. Эри урушда, ўзи кеча-кундуз ишдан қайтмасди. Маҳалламизда биринчи бўлиб уйига бир оилани олиб келди. Хаста она, бўйи етган қизи ва ўн беш-ўн олти ёшлардаги ўғли бор эди. Улар кўчамиздаги барча хотин-халажга ёқиб қолишди. Болаларнинг отасини партизанликда қолган дейишарди.

Йигитча мактабга қатнаб, тўққизинчи синфда ўқиди, маҳалла болалари билан тез тил топишиб кетди. Тиллари бизга яқин бўлгани учун ўзбекчами тез ўрганди. Одобчи ҳам жойида эди. Уларнинг миллатини билмадим, ўзлари муслимон бўлганлари аниқ. Қизгина эса ўй эгасининг ёрдами билан тўқимачилик комбинатида ишга кирди.

Йигитча эса урушга кетишга ошқарди.

Қаттиқ аҳд қилган экан, кўп ўтмай маҳаллада кўринмай қолди. Йўлини топиб танқилар билан юртига қўйишга қиларди. Кейин қўйишни битириб, урушга кетганини эшитдик. Ундан онасига юпанлики, меҳрибон «уч бурчак» хатлар кела бошлади. Кейин хат келмай қўйди.

Уруш йиллари ҳамма хат ташувчини тўрт кўз билан қутар, агар икки-уч кун эшиқ қокмас, хавотирланиб почтага югурарди. Маҳалланинг хат ташувчиси шаддоод аёл бўлиб, қайси ҳовлида ким урушга кетганини билар, «қора хат» келиб қолса, уни эгаларига дарров етказишга ошқамас, уларни ён қўйишларига ёки қариндошларига ташлаб, қўздан қўйиб бўларди. «Оналарнинг кўзларига қарашга юрагим чидамайди», дерди бу аёл.

«Меҳмон» йигитчадан икки ойна хат бўлмади, кейин «қора хат» келди. Почтачи уни хаста онага эмас, ўй эгасига ташлаб кетибди. Хотин бу хатни уларга кўрсатмабди. Касал аёлнинг дардини янада оғирлаштиришни истамабди.

Бироздан кейин йигитнинг қурлодшо дўстларидан хат келди. Улар лейтенант экипажи билан ёнаётган танкдан чиқа олмай ҳалок бўлганини билдиришган эди. Аёл бу хатни ҳам яширади. Уйлаб-уйлаб охири уларга мактуб ёзди, она хаста эканлигини, ўғлининг ўлимига қийай олмаслигини билдириди.

Аёл кутмаганда, хатига жавоб келди. Машилкада босилган бу хатда шундай дейилбди: «Онақимон, мен ёнғил яраланган эдим. Энди тузалдим. Мени штабга ишга олишди. Ишим жуда кўп. Бундан кейин хатларимни машинада ёзмаман. Мендан кўп хавотир олманг...»

Шундан кейин «уч бурчак» хатларини кети узилмади. Баъзида хат ичиди йигитнинг кўкрагига орден тақилган сурачлари ҳам келарди. Хатто бир сафар кўлда чизилган сурачати ҳам хатга қўшиб юборган. Онаси хат келса, қувонар, уларни кўзига суриб, «ўғлимни ўзинг асра» деб ҳудуго илтижо қиларди. Мактублар ўғлининг биткиларига ўхшар, улар ўғил болаларга хос қайсарлик, шўхлик, эркаклик хулиқларини сездириб турар,

онага далда берарди.

Уруш ҳам тугади, лекин хатлар ҳамон келарди. Энди улар Германиядан эзилар, зобитнинг қайтиши бирров орқага сурилганини билдиришарди.

Партизанликдан кейин Германияга ханг қилиб борган ота ҳам оиласига қайтди. Ўй соҳибаси унга ўғли ҳалок бўлганини айтди, қўлига «қора хат»ни тутди. Собик аскар аёлнинг сўзларини маъносини тинглаб, «самимий илтифотингиз учун раҳмат» — деди.

Кўнларнинг бирида уларнинг уйига ёш зобит келди. Белоруссияли бу йигит қурлодшо дўстидан «салом олиб келганини» айтди. Хаста онага ўғлининг жасурилиги тўғрисида қўйиб сўзлайди.

Меҳмонга Тошкентни сайр қилдиришди. Йигит қанчалар тиришмасин, сўзлари ёлғонлигига ҳижолат чекади. Отанинг юзига тик қарай олмайди, очик мулоқотдан тортинадди. Ота уни ўнғайсизликдан қутқариш ниятида: «Ўғлимнинг ўлимини мендан яширишни ҳожаати йўқ. Мен бундан бошабарман», дейди. Йигит бошимни эгиб ўз сўрайди. Тошкентли ишчи аёлдан хат олишгач, лейтенантнинг ўртоқлари ўзаро келишиб, онани машъум хабардан асрашга қасамед этишар. Уларнинг баъзилари жангларда ҳалок бўлишди, оғир яраланганлари мамлакат ичкарисига, госпиталларга қўйилди. Омон қолганлар ваъдаларига вафо қилиб, навбат билан хат ёзишди, штабда ишлайдиган қиз уларни машинада босиб, онага қўйиб турарди.

Меҳмон қурлодшо дўстининг онасини зиёрат қилишни юрагига тугиб қўйган экан, уни бажо келтириш учун Тошкентга келибди. Хар кун оқшом онага ўйку олди, ўғлининг мардлиги ҳақида ҳўқоя қилиб, қўнлигини кўтариб турибди. Соғлими заиф онанинг аҳволи кун сайин оғирлашиб борар, меҳмонни ўғлининг исми билан қақиради. Ўлимни олди, уни ёнига даъват этиб, пешонасидан ўлиб, қўлида қон берибди.

Зобит ўз қисмига қайтди. Марҳуманинг эри ҳам қизи билан Кавказ томонларга қўйиб кетди...

Мен ўй олгач, кампирнинг ҳовлисини тарқ этган эканман, ёш қаҳрамоннинг номи билан қўйиб бўлдим. Зилзиладан кейин йўл кенгайтирилиши туфайли қўнанинг кампирнинг ҳовлиси томонидида уйлар бўзилиб, одамлар янги жойга қўйилди.

Д. Уйларнинг жонли гувоҳлари бўлган қариялар ҳам жуда оз қолди. Улардан бир нарсаси бўлишини илоҳий бўлмади. Бирини хаста онанинг исми «Хадича» деса, бошқаси «Ханифа» эди» дейди... Қизларнинг номи «Зайнаб» эмиш. Афсуски, йигитнинг исмини аниқ билган одам топилмади. Шу маҳаллада бир йилча яшаб, ҳарбий билим юртига кетган ўсмирнинг исмини ё Гафур, ё Ёкуб дейишди. Бечора онанинг соғлиги деб, аскарлар уйлаб тогган бу олижаноб ёлғон уни бевақт ўлимдан асрабди.

Уруш йиллари нималар бўлмаган дейсиз?

Сафтер НАГАЕВ

Биз тахтли — туғли, тарихи узун халқларимиз.

Йиллар оша, эндиликда эса кун сайин бир улкан ҳақиқатга ишончимиз тобора ортиб бораётди: бу — Ватан ҳақиқати.

Онгли тарзда, ҳеч иккиланмай туриб ҳаётининг бағишлагашга арзигулик ягона ҳақиқат — шу!

Шу — Ватангина ҳаётини, реал, бирламчи ҳақиқатдир. Унинг Истиқболига олиб борадиган йўлларни азиз диёримиз ўтмишидан қидириб топпок лозим: Истиқболга эришган Она-Туркистоннинг Истиқболи шарафли тарихининг қатларида яширин, магар Ватан келажагига назар ташлашга уни-нг жаҳондаги мавқеани кўришга орзумдир эканмиз, кечмишдан ибрат ола билмиз лозимдир.

1. ТУРКИСТОН ҲАҚИКАТИДАН БИР САБОК

Агар тарих сари айлаунг майл,
Муни билгачки,
Не иш қилди ҳар хайл...
Не ишдин мамлакат
Обод бўлди,
Қаю ишдин улус барбод бўлди.

Алишер Навоий
Тарихнаманинг собиқ совет даври — 70-йилларнинг охири эди. Талабаларга ҳос қизикқонлик, ҳамма нарсани тезроқ билиб олишга иштиёқ зўр пайтлар. Бир кун биз — талабаларни ўзига яқин олиб, дўстларча муомала қилиб юрадиган, гоҳи-гоҳида «қалтис» мавзуларда ҳам секин, шивирлашиб гаплашиб турадиган чет эл адабиёти домламиз билан бахслашиб қолдим. Мунозарамиз ўша йилларда совет мафқурасининг сохта сиёсати, анкироғи, миллий бўлишининг, миллий урф-одатларнинг зимдан қамситиб келинмаётгани каби муаммолар мавзусида эди. Устоз менга дастлаб совет халқларининг тенглиги, ҳақхўққларининг барабарлиги, СССРда ҳеч бир миллат қамситилмаётгани ҳақида рисоладан чиқмай тушуштиришга уринди. Бирок мен ҳаётдан аниқ мисоллар келтириб, унинг фикрларини бирин-кетин рад этардим. Домла менинг ўқуғилигимдан ранжикан, ақсинча, ақли қўзларни билан менга бир муаддат зехн солиб тикилиб турди-да, охири секин энгашиб деди:

— Биласанми, нега шундай?

— Йўқ.

— Унда эшит ва ёдингдан чикарма: бундан аз йил бундан сизнинг болалигингиз Ватанини бой беришган. Бор гап шу. Қолган ҳаммаси ўйин.

Ватан ҳақида мен эшитган да-стлабик ақида, аламли ҳақиқат са-боқ ш бўлди.

Мен гўрғилим боис Сабабни билмай туриб Оқибат устидида тортишган эканман. Ёлғон мафқура-нинг «Тенглик», «Биродарлик!» каби сохта шорларни тағида ёт-кан юз йил бурунги чоризминг босқинчилик сиёсатини қўрмаган эканман.

Илк бор мен Ватан ҳақидаги ҳақиқат билан ана шундай дуч келдим: шафқатсиз, аҷиб, беаёв-рост гапни эшитдим. Саволимга батафсил, қатъий, аниқ жавоб ол-дим...

... Ва саволимга баттар савол-лар қўшилди. Саволдан иборат бўлди шеърларим ҳам.

Бугун ариқларда қоғоз қайиқчалар оқибди ўйнаётган болалар Эрта улкан кемалар қуриб сўрасалар:

— Бизнинг ўз денгизимиз борми?.. Нима деб жавоб берамиз?

Кечагина «Алпомиш», «Турғули»ларни ёддан айтар эди ҳар бир момомиз...

Ха, чор аскарлари билан тенг-сиз жангларда болалари бой бер-ган Туркистоннинг «хур» болалар-и эдик биз.

Бу ҳақиқатни ўша пайтлар тан олиш жуда азобли, юракларни

эзиб ташлайдиган қарамлик ҳис-сини енгишга эса бирор-бир чо-ра йўқ эди.

Келинг, Она-Туркистон тарихи-нинг сабоқларини тинглайлик. Ти-нглаб бугун учун, эртанги кўнлар учун ҳулосалар чиқариб олайлик.

ХХ асрнинг иккинчи ярми, Тур-кистон устидида қора булутлар қуюқлашиб бораётган, ҳонлиғи амирликларга бўлиниб, ўзаро ни-золардан заифлашиб қолган юрт тақдирини маҳаллий ҳукмдорларни-нг ҳаёлига ҳам келмайдди. Узоқ шимолдаги чор Россиясининг ан-ча вақтдан бери Туркистонни го-рат қилишга пайт пойлаб, режа тузиб келаётгани уларнинг туши-га ҳам кирмайдди.

Пётр I Туркистоннинг рус са-водгарлари учун қонийфода бозор эканлини ўқитиб, қозоқ ва қир-ғиз даштлари орқали бу юртга

Она — Туркистон сархадлари

ЭССЕ

бостириб киришни мўлжаллаб: «қирғиз-қайсақ ўрдалари Осиёни-нг ҳамма мамлакатлари учун қал-ил ва дарвозадир», деб айтиш гапидан беҳабар эди улар.

Мана шу қалитни қўлга кирит-тиш ва Осиёни забт этишга йўл очадиган дарвозани эгаллаш учун чоризм пухта ўйланган, узоқни мўлжаллаган сиёсатни XVIII аср-дан бошлаб дадил амалга оши-ришга киришган эди.

1731 йили Кичик Жуз, 1731-1740 йиллар мобайнида Катта Жуз Россия тобелигига ўтказил-ди. Мана шу даврнинг ўзидиёқ чор ҳукумати Қозғоғистонда 46 та қарбий ва 96 та кичик қалалар қурди ва Туркистонни батамом босиб олиш учун қучли истеҳком-ни юзага келтирди.

Истиқлол туфайли биз Турки-стон тарихининг ватандошлар на-заридан бекитиб келинган саҳи-фаларидаги факт ва рақамларни энди ўқиб-ўрганиш шарафига муносабат бўлмоқдамиз. Ўша ҳуж-жатлардан бири қуйидагича: чор армиясининг Туркистонга бости-риб киришини жаҳон афкор ом-масига «тарихий миссия», «маъ-рифат ва маданият олиб келиш-де» оқламоқчи бўлган оқ подшо-нинг сиёсий арбобларидан бири А.М.Горчаков Европадаги йирик давлатларга 1869 йили 21 нояб-рида йўллаган баённомасида шундай деб ёзган эди: «Россия-нинг Ўрта Осиёдаги мавқеи бошқа маданиятлик, ҳукмрон давлатларнинг ярим ёвойий, дайди, бирор-бир ихтиомийи-да урсулга эга бўлмаган тўпори халқлар билан муноса-батини каби, ҳоло...»

... Ва чегара-ларининг ҳавосизлиги ва са-вод-сотиқ алоқаларининг беҳа-тарлиги маданиятлик давлат-ларини қўйишлари устидан юқо-ри мавқега эга бўлишини та-қозо этадики, ёвойий ва жо-ли халқлар шунга муносиб-дир...»

Босқинчиликни оқлашга урин-ган ҳар қандай сиёсатдан бундан ортиқ сўзлаласан керак.

Хўш, душмани, ўзининг эр-ва-волигини даб-дурустдан рўқач қилган бир пайтда Туркистон амалдорлари — амир-хонлар Ва-тан ҳимоясига тайёрийдилар!

лик тегишли, билмадим. Лекин мен Ҳафизани бўғим деб ёки фаршатедек мўжриб деб таърифлаган мақсад қилиб қўйган эканман. Ҳозир фикрини эшитиб, мақсадимга етибман, шекилли, деб ўйла-дим. Жуда хурсанд бўлдим.

Лоланинг ҳозирвақолигини қадрайман, ҳар бир масаллага жиддий қарашини, ролларини-нг фалсафий негизини тушу-ниб етмаганига қадар иш бош-ламаслигини, матнга нисбатан талабчанлигини биламан. Фа-кат филм яратилиш даврида-гина эмас, телекўрсатув тайёр-лаш ва эфирга узатишда ҳам сезганман. Телекамера ёнида бўлган сўхбатларнинг бирида «Роза Охунмуҳамедова Турсо-ний Охунмуҳамедовнинг бирин-сини таърифлаш эмас, ички дунёси бойлигини кўрсатишга аҳд қилганлари қўйибди» йу-лирибди» деб, «Истиқбол йу-ли» филмининг таҳлил қилганида бу сўзлар аслида Лоланинг ўзи-нинг ақторлик фаолиятига ҳам тегишли эканлини қайд этган эдим.

Шундай. Л.Сайдалиева ки-нода, телевидениеда, «Наш-тар» ҳажвий кинохурналидаги фаолиятида ўз маслагага, ижод услубига содиқ қолмоқ-да. Эндиги сўз унга маслак-до бўладиган қалам соҳиб-ларига, сезгир режиссёрлар-га. Ахир қамолот ёшидаги Ло-ла ижод наҳидасига тўлиб-тошган дамлари ҳар нарсас-дан устун қўяди...

Ҳамадулла АҚБАРОВ

Йўқ, улар гафлат уйқусида эдилар, бу бир зимистон, қорон-ғу тун эди, осмонда на ой ва на юлдузи порлаган ўлка. «Гафлат-нинг қора қўрғасига урнашан эди рижор беклари Туркистоннинг:

Уша тун — беғамлик ва ишратдан семирб кетган ҳилол мадҳибоз юлдузлар исқанжасида маст эди... Уша тун — Кўёш қайлардадир олтин савдоси билан машғул эди...

Бу фожиа арафасини улғу адиб Абдулла Қодирий Юсуфбек хожи тилидан жуда гўзал ва шаф-қатсиз ифодалаб берган — «Мак-садлари жуда очик! — деди хо-

Ахир, чегаралар қачон, қай мақсадда тортилгани аён-ху. Она-Туркистонни бўлақларга бўлиб, битта, яхлит Ватанини бир неча ху-дудларга ажратиб ташлашга эришганлар амали яқин тарих са-ҳифаларида қайд этилган:

«РКП(б) Марказий қўмитаси Ташкилий бюроси 1924 йил 31 январда Урта Осиёда миллий чегараланиш тўғрисидаги ма-салами муҳокама қилиб, Я.З.Рудзутакка бу масала би-лан ҳар томонлама шўғуллан-иш ва ўрганиб чиқишни топ-ширди».

Бу машъум сиёсатнинг тағида

●ВАТАН — ЯГОНА ОИЛА

эмас, посбон керак, деб. Ўзбек халқининг елкасига ортоб тегиб, истиқлол йўлига чиққан тенгсиз бир бахт бўлса, мураккаб вазият-да она-юртининг чинакам Посбо-ни, Ватан қорбоғишининг сиёсат майдонига қолгани нур устига нур бўлди.

Жуда соғингандини, жуда толгандини, Баҳоржон, етишдини, қучоқларингга. Фақат сен суқулки, фақат сен лойик, Тождорсан борлиқнинг қошонасига.

Қайноқ лабларининг босғил меҳрибон

Заминининг қўлчан пешонасига.

Сени соғинганман, жонимни берай..

Кўзимни яшнатган печакларингга...

Юксак қояларга уялар қўринг, Майлига, термулиб

учсин ҳушларим.

Дунёни тўдйдириб

учинг бемалол —

Менинг бургутларим,

менинг қўшларим.

Менинг ялпизларим,

таратинг хушбўй,

Пайтидир, уйғонинг бужур

тутларим

Шу мунис баҳорининг

ортидан қопинг...

Мен истиқлолга эришган Тур-кистондаги жумҳуриятларнинг яқин тарихини кўп ўйлайман ва бот-бот талабалик йиллари ўша устознинг: «Боболаринг Ватанини бой беришган...» деган аҷиб, аламли гапини эслайман. Бой бе-рилган диёр қайтди ўзимизга, Туркистон дея эзн жонларини баҳидада этганларнинг руҳлари, иншооллоқ, ором тоғай. Турки-стоннинг тенгсиз ватанпарвар, буюқ ўғли муфти Махмудхўжа Бехбудийнинг 1918 йили ёзган «Қозоқ қардошларимизга очик хат»и ҳаммаишарини қалбимизда акс садо берган: «Азиз қардош-ларим! Муслимон биродарлар! Ҳаммаишарга маълумдирки, Туркистон, демек — туркий эл бўлиб, шундаги халқнинг қо-зоғи, қирғиз, сорти, ўзабег, туркмени, тотори, ҳаммаси ас-лан... жаҳонгир... Темурнинг авлоди ёки оға-инисидур-лар...»

1991 йил, 31 август — тарихий қўндан кейинги олти ой — бир йилда бўлиб ўтган ҳодисаларни бир эслаб кўринг: ҳўш, биз чин-дан ҳам, озодинимиз, иллатлар-дан қутулиб улғурганимизми, юрт-га эркаклик қила оламизми? қаби саволларга ўша пайтда ҳар қим ўзимча — биров бўлиб, биров бил-май, ақсар сиёсатдонлар ўнғу сўлга қарамай жавоб беришга уриндилар.

Миллий чегараланиш — Тур-кистон халқларининг миллий чек-ланлишлари эди, аслида.

Миллий чегараланиш ўшанда — Туркистон халқларининг маҳал-лий тор манфаатлар доирасида қоллишлари, умумтўркий, умумжа-хон хараёнларидан маҳрумликлар-и эди, аслида.

1989 йили Фарғонада, 1990 йил Ўшда қўз берган фожиялар, мана, кейинги йилларда қардош тожик халқи бошидан кечираёт-ган азоб уқубатлар Туркистонни парчалаб, бу муборак заминни тур халқларнинг ҳар бирига бит-тадан «ватан» қилиб белгилаб, че-гаралаб берганларнинг «химмат-лри» оқибати эмасми?

Коммунистик мафқуранинг оғу-лари билан нафақат онгимиз, еру сувимиз, даррахт гиеҳларимизга-ча захарланди. Биз ўз она тили-мизни, тург илдимизни бирлигини унутиб қўйдик: қозоқ адибининг асарини ўзбек тилига ўрсинадан ўғиришдай шармандали ҳолга тушдик. Ўша йиллари эсласам ёзган шеърим машларим беҳи-тиёр ёдга тушди:

Кемамиз тўхтабди галат

Олис саробларга лағлар

Қарангки, етмиш йил

Турғулик даврида яшамиз...

Кимки, ҳуш гапириб бошим

Ота деб пойига тиргалган

Олис манзилларни ҳаёл этиб,

Ботқоқдан чиқолмай сиргалган

Худо ургани шу, бошқача

Гафлат оғушида роса

Минг йил таваба қилсақ ҳеч

Оғир ҳуноларга ботибмиз...

Бу шеъримга ўша вақт шароити тақазоси билан «Ўтган кўнлар» деб сарлавҳа қўйгандим.

Едингиздайдир, 1991 йилнинг баҳори. Собик СССРни саклаб қо-лиш учун жон-жаҳди билан ҳара-катта турган қомфирка мафқура-сининг сертармом воситалари ха-лқларни референдумда СССР учун овоз беришга даъват етарди. Бирок ордан кўп ўтмай, қис-қа муддат ичиди муз тоғдай эриб битган советлар салтанати ўз уми-рини ҳудқушлик билан ақунлади...

Ўз эллик йилдан ошик вақт мобайнида давом этган мустам-лакчиликдан сўнг Туркистонда Истиқлол қўеши порлади.

Хар қалай, 1991 йилнинг қузи-да хали анча таҳлиқали вазият

Едимда, «Ўзбекистон овози» газетасининг 70 йиллиги муносабати билан кимгадир меннинг ҳақимда мақола ёзиш топширилган экан. Йўқ, дедим, агар рози бўлсангизлар, яхшиси ўзим ёзаколай. Ахир мен отахон газетамизда қарийб йигирма йилдан отрик муҳаррир бўлиб ишлайдим. Ахир йигирма йил бир йилгитнинг умри-ку!

Газета даргоҳига қандай келиб қолганман, ўзимнинг асли касбим ҳуқуқшунослик бўлса? Агар билсангиз, матбуотга ишга келишим ҳам қизил бўлган. 1949 йил Тошкент ҳуқуқшунослик олийгоҳининг аспирантурасида ўқирдим. Нима бўлди-ю, бир мақола битиб «Қизил Ўзбекистон»га олиб келганман. Газетанинг тарғибот бўлимида Баҳром Раҳмонов мудири, Абдурахмон Ортиқов адабий ҳодим бўлиб ишларди. Улар мақоламини синчиклаб ўқиб чиқиб, негадир фикр айтишмади. Ўйладим, мен кимман ўзи, эндигина талабалик курсисидан чиққан, на унвони, даражаси бўлган ёшгина йигит бўлсам, «Қизил Ўзбекистон»дек ўша пайтнинг нуфузли рўномасида катта назарий мақола билан чиқишим унчалик қолипга сикмаса керак? Ушанда улардан ранжигандай бўлдим.

Мени зимдан кузатиб турган бўлим мудири тўп-тўсатдан: — Газетатга ишга келмайсизми? — деб қолди. Хайрон бўлдим. Ҳаёлимга бир дақиқа ичида не-не фикрлар келмади дейсиз.

— Биргалашиб ишлардик, — деди Абдурахмон Ортиқов мудирини қуваатлаб.

Нима дейиши ҳам билмай, иккиланиб тургандим, Баҳром ака телефон трубкасини олиб қабулхонага кўнгирик қилиб: «Муҳаррир ўзиндами?», — деб сўраб қолди.

Ҳаяжонданам, юрагим безовталанади. Нима бўлаётти ўзи, ўқишларим-чи, номзодлик диссертатсияси-чи? Улар нима бўлади? Ўша кезлари «Қизил Ўзбекистон» газетасида ҳурматли адабиёт Шароф Рашидов муҳаррир бўлиб ишлар эдилар. Биз қирганда у киши ким биландир телефонда сўзлашаётган экан. Ишора билан бизни ўтиришга таклиф этди.

Шароф Рашидов телефонда гаплашиб турибди-ю, меннинг ҳаёлим бошқа ёқда. Нахотки «Қизил Ўзбекистон»дек даргоҳда ишлаш менга насиб этса. Журналист бўлмасам, эндигина битта мақола ёздим, хали у чиқадими, йўқми?..

Ҳаётимда ўчмас из қолдирган ушбу учрашув ҳақида баъзи матбуот саҳифаларида ёзганман. Лекин мана энди ёшим етмиш ёшга тўлган чоғида ҳаётимнинг ўша давларини ёдга олаётган инсофдан эмас.

Шароф Рашидов телефонни қўйди-да, кейин менга ўзгарибди: — Энди ука, гап битта, редаксиямига ишга келасиз. Мана, бўлимдагилар илтимос қилиб киришибди, — деди катъий.

Хуллас, бир неча дақиқалар ичида тақдирим ҳал бўлди. «Қизил Ўзбекистон» газетасида адабий ҳодим бўлиб ишлай бошладим.

Мана шундан бери қанча вақт ўтиб кетди. Журналистика соҳасига ilk қадам қўйиб келаётган ўша дастлабки даврларни эсласам, «Қизил Ўзбекистон» жумҳуриятимизда ўзбек тилида чоп этиладиган асосий миллий газетга бўлиб, бутун бир мураккаб мафкура дунёсида — фикр тугадирувчи, йўл-йўриқ берувчи оммавий ахборот воситаси эди.

«Қизил Ўзбекистон»да чинакам ижодий муҳит мавжуд эди. Албатта, ўша вақтларда иш шариоти анча мураккаб эди. Коммунистлик го я ҳақ-ағона ҳуқимор мафкура ҳисобланган, ундан озгина бўлса ҳам четга чиқиш мумкин эмасди. Худди бошингда биров қилиш ушлаб тургандай. Миллий ифтихор, аёнчалар ҳақида бериладиган мақолалар бир неча чигирикдан ўтиши керак эди. Лекин шундай шариотда ҳам газета халқнинг адолатли маслаҳатгўйи сифатида анча ибратли ишлар қилди. Газетанда халқ фикрини ифодолувчи ижодкорлар қалам тебратарди.

Мен бир адабий ҳодим сифатида ишга қирган 1949 йилда газета бешгинини тебратган ҳамда журналистларнинг бутун бир авлодини тарбиялаб восяга етказган кишиларнинг номларини бирма-бир келтириб ўтмоқчиман. Уларнинг қўларни раҳматли бўлиб кетиши, баъзилари ҳаёт, Рихис Соҳибов — муҳаррир ўринбосари, Баҳром Раҳмонов, дастлаб бўлим мудири, кейин муҳаррир ўринбосари, Зиёд Есенбоев — масъул котиб, Аҳмад Исмоилов — масъул котиб ўринбосари, Ҳамид Фулом — адабий котиб, Яҳё Йўлдошев — партия бўлимининг мудири, Абдурахмон Ортиқов — тарғибот бўлими мудири, Холбек Едгоров, — қишлоқ ҳўжалик бўлими мудири, Аъзам Мирбобоев — саноат бўлими мудири, Абдулла Олимжонов — адабиёт бўлими мудири, Раҳмат Файзий — ахборот бўлими мудири, М. Турғонов — хатлар бўлими мудири, шунингдек, бўлимларда, котибиятда Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Туроб Тула, Ҳабиб Нўмзон, Аҳмад Шорахмидов, Тўлаган Соатов, Тўғон Эрназаров, Шобарот Кузанбов, Ориф Юнус, Валий Галломов, Шербек Алиев, Эътибор Охунова... Уларнинг ҳар бири-бир дунё, ҳозиржавоб, ишчан, жонқуяр ижодкорлар эдилар. Ҳар ҳафтада бир марта тўпланадиган ижодий анжуманимиз — «летучка» жонли ошқора танқид, эркин мушоҳада, фикрлар қураши, тажриба алмашув руҳида ўтарди. Ижодий ҳодимлар ўртасида каттиқ тортишув, мунозаралар худди илмий кенгашлардаги олимлар мушоҳадасини эслатарди. Газетанинг мазмун, мундарижаси, йўналиши, имлоси, ҳамма-ҳаммаси кенг таҳлил этиларди. Каттиққўл, зуқмо муҳарриримиз Шароф Рашидов бўлса, ана шу ижодий йўналишни оқилона бошқарар, унинг мажлис сўнггида ақунловчи сўзи ҳаммамиз учун, айниса ёшлар учун катта ижод мактаби эди. Мен бўлсам, янги келган ҳодим сифатида мунозараларга қатнашмай, бир чекада жимгина ўтирдим. Кейинчалик замон ўтиши билан, ҳаёт тақозоси билан вақти-

соати келиб «Қизил Ўзбекистон»дек газетатга муҳаррир бўлиб қолишимни ўшанда ҳатто ҳаёлимга келтирмагандим.

Лекин унча янги вилот газетаси «Тошкент ҳақиқати» ташкил этилганда, 1954 йилда шу газетатда бўлим мудири, муҳаррир ўринбосари, 1959 йилдан бошлаб муҳаррир бўлиб ишладим.

Едимда 1964 йил, ёз ойлари эди ўшанда. Вилот газетасида ишлаб ўтирган эким, бирдан кўнгирик бўлиб қолди. Трубкада Зиёд Есенбоев:

ЭЛГА АЙТАР СЎЗЛАРИМ



Суратда: М.Қориев академик О.Содиқов билан

— Хеч қаерга кетмай, жойингда ўтириб тур. — деб қолди.

Бошқа гап айтмай, трубкани қўйди. Шундан кейин бир неча дақиқа ўтгач, иккинчи кўнгирик бўлди. Энди биринчи котиб қабулхонасидан эди...

Мен «Қизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррир этиб тайинландим. Газета иши жуда мураккаб ва машаққатли. Айниса «Қизил Ўзбекистон»дек жумҳурият газетасида. Бунинг ўзимнинг бутун фаолиятимда ҳис этдим. Лекин газета шундай бир аjoyиб даргоҳки, қилган ишини ўша кўннинг ўзидек рўёбга чиқади. Қуни-кеча режалаштирилган нарсаларнинг, қарабасинки, минг-минг нусхада босилиб, одамларга маънавий қуваат, руҳий бахш этади. Қўриб, эшитиб қўларинг қўнади, дилнинг равшан тортади. Яна шунини айтиш керакики, газетанинг меҳрибонсига го кўчли. Бир қирдингми, ундан чиқиб кетолмайсан. Зеро, журналистлик мураккаб касб. Лекин шунда ҳам газетадан кетмайди. Эртани кечага улаб газета атрофида парвона бўлиб юраредми. Чунки газета иши дунёдаги энг савобли, ҳақиқатга олиб борувчи хайри ишдир.

Газетанлар ўзларининг энг нобб, ҳеч кимга айтмаган сирларини ҳам газетатга ёзиб юборадилар. Газета атрофида илм-маърифатли ижодкорлар уюшган эди. Жамоатчилик кенгашига математик алома Қори Ниязий бошчилиқ қиларди. «Илгор тажрибаларни ёвочи кенгашга эса академик Ақром Дадабоев раис эди. Ўша кезлари бир қанча чиқишлар газетанлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Ҳеч едимдан қиймайди. Эътибор Охунованинг «Нихолларда нима гуноҳ?» ёки Расул Раҳмоновнинг «Онажонининг унутдингми?» деган ахлоқдор мавзундаги мақолалари кенг муҳокамага сабаб бўлди. Шунингдек, «Инсон кўнгли нозик», «Оқладар философия», «Севинч ва алам», «Сут ва қон», «Қора қўзлар нигорон» деган мақолалар эл-юрт озгина тушди. Мазкур мақолаларга келган юзлаб хатлар бир неча папка қилиб тўллаб қўйилганди. «Ширин-шакар қовуллар неми?» деган мақола эса, Ўзбекистон Олий Кенгаши Президиумида муҳокама этилиб, махсус қарор чиққанлиги едимда.

Газета саҳифасида «Ёзувчилар ижодхонаси» ташкил этилганди. Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Зулфия, Миртемир, Уйғун, Саид Аҳмад, Саида Зунунова, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодировларнинг янги асарлари эълон қилинган. Кейинги беш ижодкорларга махсус саҳифалар ажратилган. Вақти-вақти билан «Қизиллар дастаридан» саҳифаси бериб бориладир. Ҳозир адабиёт оламида кенг уфқларга чиқиб олган ўнлаб ижодкор, нозиктаб адиба, шоирларнинг «Ўзбекистон овози» саҳифалари орқали эл-юртта кенг танилганлар, десак ҳато бўлмас.

Ҳаётдаги камчиликлар, эскилик сарқитлари, амалпарастлик каби қурулган газетатда каттиқ танқид қилинади. Муроджон Мансуровнинг «Раисни нега ишдан олишди?» деган мақоласи катта шов-шувга сабаб бўлган. Газета билан вилот партия қўмитаси ўртасида каттиқ тортишувлар бўлган. Оқибат газетга ҳақ бўлиб қолган, раис ўз ишига қайтадан қилганган эди. Бундай қишқилар аяқола-ягона эмас эди. Газета ҳаётининг энг мураккаб масалалари юзасидан кўп қишқилар уюштирган эди. Газетанинг муборак даргоҳида журналистларнинг катта ҳаёт мактабини ўтаган аjoyиб, беш авлоди етилиб келаётган эди. Бир қуни атоқли эди Фафур Фулом редакцияга кириб келди-да: — Сизларга битта ҳикоя олиб келдим, — деб қолди.

— Қани ҳикоянгиз? — деб сўрадим.

— Ҳикояни фикримга жойлаб келганман, — деди Фафур ака жиддий.

Машинистка билан анови Ҳамид Нурийни қақириб беринглар.

Фафур Фуломнинг «Менинг ўргигина болам» деган машҳур ҳикояси ана ўшанда туғилган эди. Фафур ака ўзи шу газетатда ишлаган ва уни ўзининг иккинчи уйи деб биларди. Пахта йигим-терим авжи кизгин паллага қирган кезларда вилотлардан эҳтиросли мақолалар

ёзгани кўпчилик ёдида. Кейин Фафур ака ижодкорлар даврасида қўшни Афғонистонга бориб келган, «Навоий қабри устида» деган машҳур шеърини газетамиз учун ёзиб берган эди. Ўша шеър билан бирга Навоий мақбарасининг сурати ҳам босилганди.

Атоқли шоир, фойласуф олим Мақсуд Шайхзода ҳам газетанинг жонқуяр ихлоомандларидан эди.

Бир қуни Шайх ака телефон қилиб, Алишер Навоийга бағишлаб илмий мақола битаётганини маълум қилди. Хайрон бўлдиқ, ўзлари бетоб бўлсалар-у, қандай қилиб мақолалар битурлар, деб. «Ғазал мулкунинг сўлтони» деган мақола шу йўсинда юзгага келган. Шайх ака вафотидан кейин шоирнинг турмуш йўлдошлари Сакинаҳонимнинг айтишларича: «Шайх акангиз ҳар бир жумлани ёзиб қўйиб соатлаб дам олиб ётардилар, кейин яна давом эттирадилар...» деб эсласан эдилар.

Фафур Фулом вафот этганди, Шайх аканинг «Фафурга ҳат» деган шеъри ҳам эртасига газетатда босилиб чиқди.

1984 йил. Янги йил арафаси эди. Тўсатдан Марказқўмнинг мафкуравий ишлар бўйича котибаси йўқлаб қолди.

— Сизни бошқа ишга юборамиз, — деб қолди киришим билан.

— Қаерга, нима ишга?

— «Муштум»га борасиз!

— Ҳажвчи эмасман-ку!

— Тажрибангиз бор, ишлаб кетасиз.

— Нафақага чиқишимга бир йил қолди-ку...

— Шунинг учун ҳам «Муштум»да ишлаб турасиз.

— ...

— Ҳа, таклифим ёқмади шекилли, бўлмаса бюрода кўрамиз, — деди котиб катъий.

Хуллас, эртаси қуни эрталаб соат ўнларда газетанинг мажлислар залида йиғилиш бўлди. Янги муҳаррирнинг тавсия этиши.

«Муштум»да ишлаган кезларимда эълон қилинган айрим қишқиларимиз Марказқўмга ёқмади, ганимлар ибратли ишларимизни кўра олишмади. Кетма-кет Марказқўмга имзонос хатлар туша бошлади.

Кейин ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, Марказқўмга қақирибди даб-дурдустдан нафақага чиқишимни таклиф этишди. Бу сафар бироз ҳажлим қилди. Шунча йил матбуотда ишладим, нахотки, халол меҳнатим эвазига бир оғиз ширин сўз айтишмаса. Бундан ортиқ ҳўрлаш бўладими? Нима бўлди ўзи, инсон қадри, ҳурмати қайга кетди?!

Ҳаёт ўзгарди, барча нараса ўткинчи, шундай экан, кечаги ноҳақликлар замон ўтиши билан ҳақиқатга айланди.

Аллоҳнинг иноятидими, ё тақдир тақозосими, мана, бахтимиз қилиб истиқлолга эришдик. Энди эркин нафас олса бўлади. Ўзбекистон йиллар давом этган қизил империя тутқинлигидан халос бўлиб, овоз тараққиёт йўлига, мустақиллик йўлига ўтди. Энди матбуот ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам истиқлол нуридан баҳраманд. Марказдан келадиган узундан-узук доқладлар, қарорлар, газеталардан мажбурий равишда қўнчириб босилмаган мақолалар энди йўқ. Ўзбекистон ўзининг мустақил матбуотига, ҳаёт тарзимиз, миллий турмушимизни ҳолисанилло ёритадиган газета, жуналларига, ахборот воситаларига эга. Миллий аёнчалар, урф одатлар, байрамларимиз ҳақида, қадимий алломалар, саркардалар турғисида, қўнча тарихимиз хусусида бемалол мақолалар бера оламиз. Матбуотда узок йиллар ишлаш жараёнида кўп воқеаларнинг гувоҳиман. Атоқли олим ва алома Иброҳим Мўминов Амир Темир ҳақида битган рисоласи учун қанча вақт озор чеккан эдилар. Газеталарда миллий аёнчаларга ўрин берилмас, диний мавзуларга йўл йўқ эди. Фақат атеистик руҳдаги, динга қарши мақолалар эълон қилиш рағбатлантирилди.

Истиқлол туфайли матбуотда яйраб-яшнаб, жон қуйдириб ишлайдиган давр келди.

Едимда: Марказқўм бюро мажлисида Ўзбекистоннинг икки мингичи йилгача бўлган истиқбол режалари муҳокама қилинаётган эди. Йилгача мутахассислар ҳам таклиф этилган эди. Мен «Муштум» журналида бош муҳаррир эдим. Ўша кезлари Қашқадарё вилоти раҳбари бўлиб ишлаётган Исрол Каримов билан ёнма-ён ўтирган эдик.

Ўзбекистон министрлар Совети раисининг ўринбосари истиқбол режалари хусусида маъруза қилган, музокаралар бошланди. Сўзга чиққанлар, шу соҳанинг билгонлари, мутахассислар томонидан истиқбол режаларига юксак баҳо бериб, уни маъқуллаб гапирдилар, мактовлар ҳам кўп бўлди.

Бирдан:

— Бўлмайди, бу гаплар ҳаммаси қуруқ сафсата, — деди Исрол Каримов.

— Нима учун? — деб сўрадим.

— Чунки, белгиланган режаларнинг иқтисодий асослари жуда бўш, бу режа амалга ошмайди, қоғозда қолиб кетади, — деди Исрол Каримов.

Хуллас Исрол Каримов сўзга чиқиб, юзакни тайёрланган истиқбол режаларини ҳар тарафлама чўқур таҳлил этиб, режа «ижодкорлар»нинг пухта ўйланмасдан тайёрланган қуруқ ваздаларини асосли равишда қипчака чикарди. Бу гап, албатта қўлларга ёқмади. Ахир, ҳақ гап кимга ҳам ҳуш ёқарди дейсиз?

Бу воқеани келтиришдан мақсад, Исрол Каримов ўша вақтдаёқ иқтисодиётни пухта билиши, қатъийлиги, жиддий масалаларда собитлиги, ҳақиқатни айтиш керак бўлганда ҳеч нарсадан тортиниб ўтирмаслигини билганди. Чунки, икки мингичи йилгача бўлган режалар хусусида бюро йиғинида эътиборли кишилар, мутахассислар мактов гаплар айтиб турган бир пайтда соғлом ва кескин, мантиқан қучли, мулоҳазали фикр билдириш учун қучли билим, тажриба зарур эди. Катта иқтисод мактабини ўтаган, бир неча йил Қашқадарёдек муаммолари кўп бир вилотда ишлаган Исрол Каримовдек киши бўлиш керак эди. Иқтисомчи бунинг учун ўз халқи ва келажакнинг фидойиси бўлиши ҳам керак.

Шундан кейин, республикамиз ҳаётида қайта қуришнинг оғир давлари бошланди. Ва ўша оғир, қийин иқтисодий шароитда Исрол Каримов ўз меҳнати, иқтисодиётимиз билимдонни эканлиги, ҳаётини масалалар юзасидан фикри теранлиги билан раҳбарлар ўртасида ёриб чиқди. Қарангки, бироз вақт ичида қўпчилик фаоллар, кенг халқ оmmasининг иродаси билан марказий комитетнинг биринчи котиби, кейин республикамизда биринчи президент этиб сайланди.

Исрол Каримов Президентлик лавозимига ўтирган кезлари ҳам республикамизда иқтисомий, сиёсий муҳит гоят оғир, нотинч ва мураккаб эди. Юқоридан халқимиз бўйинига «пахта иши», «ўзбеклар иши» деган тавқи лъанат осиб қўйиб, қанчадан-қанча ишчан, тадбиркор, беғуноҳ қадрлар жиний жавобгарликка тортилган. Устига устак Фарғонадаги фожиали воқеалардан сўнг ўшда, Наманганда рўй берган ўшандай қонли кечмишлар ҳалқимиз оёсийшатилиги раҳна солаётган, агар қатъий қоралар қўрилмаса, оқибати ҳавфли эди.

Гап Ўзбекистоннинг шаъни-шавкати, миллатимиз ифтихори ҳақида бормоқда эди. Ўйлаб қарасангиз, гўё ўттинчи-элгинчи йиллардаги қатагон даври бошқача бир шафқатсиз шаклда қайтаётгандек туюларди.

Исрол Каримов ана шундай қийин вазиятда Президентлик лавозимига ўтирди.

Ишни нимадан бошлаш керак, оғир иқтисодий қийинчиликлардан, бошимизга ёғилиб турган тўхмат-надоматлардан қутулиш йўли қайда?

Биринчи навбатда иқтисодиётдан бошлаган маъқулни ё бўлма-са халқимиз номини, миллатимиз шаънини бадномликлардан қутқариш керакики? Ахир, ҳар икала масала ҳам бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган мушкул, мураккаб масалалар бўлса, қандай қилиб уларни бир-бирдан ажратиб қўйиш мумкин! Бу ёқда халқнинг аҳоли аянчи. Шунча таъқиб, надоматлардан сўнг, айниса декхонлар, пахтакорлар ночор аҳволда қолган эдилар.

Дастлабки иқтисодий режалар амалга оширилди: деҳқонларга ерлар ижарага берилди. Биринчи амалга оширилган оқилона тадбирлардан бири қишлоқ ҳўжалик махсуслотлари, айниса пахтанинг нархи қарийб олти баробар қўтарилди. Республикамида йилма-йил, қадам-бақадам амалга оширилган тадбирлар, иқтисодий ислохотлар аста-секин ўз натижаларини бера бошлади. Саноат, қишлоқ ҳўжаллиги, халқ моддий-маънавий фаровонлиги йўлидаги саховатли ишлар республикамиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашда қудратли омил бўлди. Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ҳам ана шу улкан ишларга йўналтирилди.

Ҳаётда кўп воқеаларни кўрдим, қарийб онгли умримнинг асосий қисмини қўларни тўнларга улаб ишладим. Ҳаммаси бўлди, ҳато ҳам, мактаб қўққа қотиришлар ҳам.

Йигитлигимнинг қайғомини газета олди, десам ҳато бўлмас. Лекин ўтган умримга ҳеч қачон ақинмайман. Турли одамлар билан мулоқотда бўлдим: софдил, ҳақиқий ижодкор ҳамкасбларимдан кўп нараса ўргандим, нимагаки эришган бўлсам, ҳаёт мактабидан олдим.

Ўзбекистон Республикаси истиқлолимизнинг бешинчи йилига қандай қўйди. Беш йил ичида эришилган муваффақиятлар бир неча ўн йилларга тенгдир. Иқтисодий сиёсат ўзининг ибратли самаларининг бермоқда. Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажига бой, қудратли давлат бўлишига ишончимиз қомил. Фақат тинчлик, оёсийшатила бўлса, меҳнатсевар халқимиз нурли истиқболга албатта эришади.

Аммо Россия Давлат Думасининг собиқ Иттифоқни қайта тиклаш турғисидаги қарори халқимиз манфаатларига зиддир. Энди орқага қайтиш йўқ! Мустамлақачиликнинг оғир қулфатлари, мутеълик ҳақсизликларига йиллар давомида бардош бериб келган меҳнаткаш, тинчликсевар халқимиз эскиликка қайтишни истаймади. Ғоямиз ҳам, миллий ифтихоримиз ҳам эркинлик, мустақиллик, исқиллолдир.

Мақсуд ҚОРИЕВ



Бундан тўрт йил муқаддам Горкий театрида уч умидли мусаввир — Ҳасан Саидвалиев, Шавкат Пирматов, Фахридин Фаттоҳовларнинг илк кўргазмалари очилган эди. Кўргазма намойиши бошланган кунларда бир рус аёли Ҳасан Саидвалиев асарларини томоша қила туриб, буларнинг муаллифи ким, деб сўради. Ўртоқлари дарҳол Ҳасанни кўрсатиб қўйишди. Шунда аёл мусаввирга миннатдорчилик билдириб:

— Мана, бизда ҳам бор экан-ку шундай мусаввирлар, минг раҳмат сизга. Агар бой бўлганмида, ҳамма асарларингизни ўзим сотиб олардим, — деганди.

Ҳасаннинг ижодкор дўстлари ҳам бу каби миннатдорчиликдан бебаҳра қолишмаганди ўшанда. Ф.Фаттоҳовнинг пейзажларини томоша қилиб туган бир қиз қўлтигидан йиғлаб юборганди. Ва мусаввир билан сўхбатда, мени ҳаётга қайтардингиз, энди мен сизнинг энг талабчан мухлисингизман ва сиздан жуда кўп янги асарлар қу-



билимоҳининг қулолчилик факултетини тамомлади. Рангтасвир факултетига «омади чопмаган».

Унинг қулолчилик соҳасидаги биринчи иши ҳозирги АҚШ элчихонаси биносининг фойесида салобат тўкиб турибди.

— Дастлаб у жой Богария-Ўзбекистон ҳамкорлигида барпо этиладиган «Аквариум» деган ёшларнинг дам олиш маскани бўлади деб режалаштирилган эди. Ушанда ҳам кўп тортишувлардан сўнг бу иш менга топширилган.

Қулолчилик соҳасида Ҳасан ака кўп иш қилмади. Рангтасвир санъатига бўлган

АҚЛ ВА ШУУРДА ТУТГАН МЕВАЛАР

Соддалари, балки бирор ердан қўчириб олингандир, деган лўкма ҳам ташларди. Аслида, тасвирий санъат оламида бундай суратлар янгилик эмас. Гарбда Пикассо асос солган кубизм, С.Дали бошлаган ва ривожлантирган сюрреализм оқимларида санъат оламида инсоннинг одатий тафаккурига сикмаган, хали ўрганиш бўлмаган асарлар дунёга келди, инсон энди ўз ҳаёти ва келажакнинг маънаси ҳақида теранроқ фикр юрита бошлади. Бундай фикрлаш Шарқда бегона эмасди. Шунинг учун ҳам бирин-кетин ўзига хос услублар билан санъат олами ёш мусаввирлар қириб кела бошлади. Улар орасида Ҳасан Саидвалиев ҳам бор.

Ҳ.Саидвалиев 1991 йилда Бенков номидаги рассомлик

муҳаббат уни тез орада иккинчи кўргазма уюштиришга ундади. 1993 йилда, у Ўзбекистон тинчлик ва ҳамкорлик жамғармасида бош мутахассис бўлиб ишлаб юрганда Меъморлар уюшмасида бир гуруҳ мусаввирлар билан биргаликда кўргазма ташкил этди. Унда Чингиз Аҳмаровнинг икки иши намойиш этилганди. Ўша йили Ҳ.Саидвалиев Норвегиянинг «Касал-хона кўргазмалари» анжуманига таклиф қилинди.

— Шу йиллар тижорат ишлари билан Саудия Арабистонининг Дубай, Шаржа шаҳарларида бўлдим, — дейди Ҳасан ака. — Араб халқи, турмуши билан бироз танишдим. Худо хоҳласа, дастлаб Шарқ, сўнг Гарб мамлакатларига оғил билан сафар қилмоқчиман.

Э

